

## КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ

Барчамизга маълумки, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида халқ равнақи ва фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган муҳим ва долзарб масалалар қаторида коррупцияга қарши курашиш Давлат сиёсатининг энг устувор мақсадига айланиб улгурди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда коррупцияга қарши курашнинг мутлақо янги даражага кўтарилиши Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси маҳсулидир. Президентимизнинг жамиятни “ҳалоллик вакцинаси билан эмлаш” зарурати ҳақидаги фикрларини бу борадаги ишларнинг пойдевори сифатида кўриш зарур. Шавкат Миромонович таъкидлаганидек, “Жамиятимизда коррупция илллати ўзининг турли кўринишлари билан тараққиётимизга ғов бўлмоқда. Бу ёвуз балонинг олдини олмасак, ҳақиқий ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиб бўлмайди, умуман, жамиятнинг бирорта тармоғи ривожланмайди”.

Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани тизимли равишда такомиллаштириб бориш чоралари кўрилмоқда. Хусусан, қонунга асосланган сиёсатни амалга ошириш, шунингдек ушбу, ўта муҳим жараёни дастлабки пойдеворни мустаҳкам шаклланишини таъминлаш мақсадида 2017 йил 3 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунни имзолади.

Ушбу Қонуннинг мақсади коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлиб, унда “коррупция”, “коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик”, “манфаатлар тўқнашуви” каби асосий тушунчаларга изоҳ бериш билан бир қаторда, коррупцияга қарши курашнинг асосий принциплари ҳам қайд этилган. Шунингдек, қонун билан бу борадаги Давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, ваколатли органлар тизими, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқароларнинг мазкур жараёндаги иштироки ҳамда коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар, жазо муқаррарлигини таъминлаш ва бу борада халқаро ҳамкорликни таъминлаш каби вазифалар мустаҳкамлаб қўйилди.

Ушбу қонун талабларидан келиб чиқиб, унинг самарали бажарилишини таъминлаш мақсадида, Ҳукуматнинг бир қатор Фармон ва Қарорлари, шунингдек тегишли меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, ижрога қаратилди.

Белгиланган режаларнинг тизимли ва самарали амалга оширилиши учун махсус давлат органи - Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш Агентлиги ташкил этилиб, бу борадаги Давлат сиёсатининг институционал асослари такомиллаштирилди. Агентлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари, вазифа ва функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилашда халқаро нормаларни илгари сурган ҳолда хорижий тажриба атрофлича ўрганилди. Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгаши ва унинг ҳудудий кенгашлари ташкил этилди.

Мамлакатда коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларнинг асосида давлат органлари фаолиятининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш устувор вазифа сифатида белгиланди. Жумладан, 2021 йил 16 июнда қабул қилинган “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиклигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўра, барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари ҳамда давлат унитар корхоналари томонидан Очик маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхатини тасдиқлашлари лозимлигини жорий этилди.

Коррупция ҳолатларининг олдини олиш ва уларни бартараф этишнинг энг муҳим жиҳатларидан бири – давлат бошқаруви тизимида “инсон омили”ни камайтириш учун давлат ва жамият бошқарувида ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш йўлга қўйилди. Маъмурий ва бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, рўйхатга олиш, лицензиялаш ва рухсат беришга доир тартиб-таомилларни соддалаштириш ҳамда уларнинг тезкорлигини ошириш мақсадида барча ҳудудларда давлат хизматлари марказлари ташкил этилди.

Коррупцияга қарши мурасасиз муҳитни яратиш жамоатчиликнинг кенг иштирокида амалга оширилмоқда. Хусусан, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тизими тубдан такомиллаштирилиб, Президентнинг Халқ ва Виртуал қабулхоналари, “Ишонч телефони” ҳамда ҳар бир вазирлик ва давлат идораларининг “Ишонч телефонлари”, “виртуал қабулхоналари” ташкил қилиниб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида барча даражадаги давлат раҳбарларининг “сайёр қабуллар”ни ўтказиш амалиёти йўлга қўйилди.

Коррупцияга қарши курашда давлат органлари ва хўжалик юритиш субъектларида “комплаенс-назорат” тизимининг кенг жорий этишили амалга оширилмоқда. Жумладан, 2019–2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш Давлат дастурида устав жамғармасида давлат улуши бўлган ташкилотларда коррупцияга қарши курашиш “комплаенс-назорат” тизимини жорий этиш, самарадорлигини мониторинг қилиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш халқаро стандарти (ISO 37001)га мувофиқ сертификатлаштириш тартибини ўрнатиш бўйича тегишли вазифалар илгари сурилди.

Мазкур вазифаларни талаб даражасида ижро этилишини таъминлаш ҳамда “Ўзмиллийбанк” АЖ тизимида коррупцияга қарши курашиш йўналишини шакллантириш, шунингдек бу борадаги ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида, Банк Бошқарув Раисининг 2021 йил 1 март кунидаги 164-х-сонли буйруғи эълон қилиниб, унга асосан Ахборот ва банк хавфсизлиги департаменти таркибида Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси ташкил этилди. Шунингдек, кўп

йиллик тажриба ҳамда малакага эга бўлган раҳбар ва ходимлардан иборат Бошқарма шахсий таркиби жамланди.

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашининг 2021 йил 29 мартдаги 3-сонли йиғилиши баённомаси асосида Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан “Йўл харитаси” ишлаб чиқилиб, “Ўзбекистон Республикаси “Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” АЖ тизимида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш вазифаси кўйилди ва тегишли чора-тадбирлар Режаси ишлаб чиқилиб тасдиқланди ҳамда барча департаментлар томонидан ижро этилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Президент Фармон ва Қарорларида белгиланган вазифа ва топшириқлар ижросини таъминлаш, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан амалий ҳамкорлик масалаларини талаб даражасида йўлга қўйиш борасида қатор ишлар амалга оширилиб, Банкнинг бу соҳадаги тегишли меъёрий-ҳуқуқий базаси шакллантирилди.

Банкнинг коррупцияга қарши курашиш йўналиши бўйича Бош офис ва филиаллар ходимларини малакасини ошириш, халқаро тажрибалар асосида коррупцияга қарши курашиш тизимини жорий этиш бўйича чуқур билим ва кўникмаларга эга бўлиш мақсадида, халқаро CERT Академиясини жалб қилган ҳолда Банкнинг 27 нафар ходимларининг “ISO 37001” стандарти бўйича малакаси оширилди ва халқаро сертификатлар олинди.

Банкнинг Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси масъул ходимлари Агентлик ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси томонидан ташкил этилаётган семинар ва ўқув курсларида иштирок этмоқдалар.

Бошқарма ходимлари ўз навбатида Банкнинг барча вилоят ва туман филиалари ҳамда банк хизматлари марказларига хизмат сафарларига бориб, 4 мингдан ортиқ банк ходимларига “Коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш” мавзуларида семинар – учрашувлар ўтказдилар.

Бошқарма “Ўзмиллийбанк” АЖ ўқув банки билан ҳамкорликда Банкнинг барча ходимлари, “Welcome training” дастури доирасида эса ишга янги қабул қилинган ходимлар билан ўқув дарслари ва вебинарлар ўтказиб келмоқда.

Банк тизимида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида тезкор хабар бериш имконини берувчи алоқа каналлари, махсус ахборот порталлари, ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифалар яратилди.

“Ўзмиллийбанк” АЖ ходимларининг коррупция илллати ва унинг оқибатларидан хабардор қилиш, ҳуқуқий онгини ошириш мақсадида, Банкнинг Бош офиси ҳамда филиалларида аксилкоррупция бурчаклари ташкил этилиб, уларда слайдлар, инфографика ва бошқа инновацион кўринишда маълумотлар жойлаштирилди.

“Ўзмиллийбанк” АЖнинг 30 ортиқ ички меъёрий ҳужжатларини коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси

Президентининг Фармон ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари талабларига мослаштириш, шу билан бирга, банк тизимидаги маъмурий ва бюрократик тўсиқларни бартараф қилиш, банк хизматларини тезкорлигини ошириш ва соддалаштириш, масофадан туриб хизматлар кўрсатишни кенгайтириш, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш тизимларини янада такомиллаштириш мақсадида, таркибий тузилмалар билан биргаликда тегишли янги ички меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди, амалдагиларга кўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда.

Ушбу ҳужжатлар талабларини бажариш доирасида Банкнинг барча тузилмаларида коррупциявий хавф-хатарлар бўйича баҳолаш ўтказилди ва хатарларни камайтиришга қаратилган 2022 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар Дастури ишлаб чиқилди.

Албатта, амалга оширилаётган ишлар кўлами кенг, бироқ, ҳали ўз ечимини кутаётган масалалар ҳам йўқ эмас.

Ходимлар ва мижозларнинг билимларини ошириш, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, коррупцияни олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ижросида раҳбарларнинг жавобгарлигини кўтариш, ҳал этилиши долзарб, доимий равишда ва узулуксиз эътиборимизда бўлиши лозим муаммолардир.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, “Ўзмиллийбанк” АЖ тизимида коррупцион ҳолатларни бартараф этишда барча ходимлар қатнашишлари, уларнинг таклиф ва мулоҳазалари ўта муҳимдир. Ҳар биримиз ўз лавозим мажбуриятларимизни сидқи дилдан, ички тартиб-тамоилларни бузмасдан ва ҳолисона бажарсак, ўйлаган натижаларимизга етишамиз.

Бугун амалга оширилаётган ўзгаришларнинг асосий унсурларидан бири, шубҳасиз, ҳалоллик ва ўзаро ҳурматга асосланган корпоратив маданиятимиздир. Биз бир жойда қотиб қолмаслигимиз, аксинча, жамоамизда шаффофлик даражасини оширган ҳолда доимий равишда такомиллашиб боришимиз зарур.

**“Ўзмиллийбанк” АЖ**  
**Бошқарув Раиси**



**А.Қ.Мирсоатов**